
Иш стажига эга бўлмаганларга бериладиган нафақа миқдори оширилади

“Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Президент Фармони (ПФ-120-сон, 28.07.2023 й.) қабул қилинди

Фармонга кўра, 2023 йил 1 августдан:

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори – ойига 568 000 сўм;

иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – ойига 568 000 сўм;

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори – ойига 568 000 сўм;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори – ойига 568 000 сўм ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун – 198 000 сўм этиб белгиланади;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – ойига 568 000 сўм этиб белгиланиб, кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўланади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ердам тайинлашни сўраб мурожаат этган шахсларга 2023 йил 1 августидан бошлаб мезон сифатида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган жами бир ойлик даромад меъёри сифатида 568 000 сўм кўрсаткич белгиланди.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Фурқат туман бўлими

2023-08-23 19:07:25